

“Мен бўлмасам адабий жараён тўхтаб колади”, дейдиган мунаккид адашади. Илло, адабий жараён деганлари бир окар дарё. Унда сузиб юрган битта баликнинг (борингки, бир улкан китнинг) ўлими билан дарё окишдан тўхтаб колмайди. Аксинча, балик учун сувсиз тириклик йўқ. Балик хаёти деган тушунча факат сувда мазмун-моҳият касб этганидиек, хакикий мунаккид хам адабий жараёнсиз яшай олмайди. Шу маънода, чин мунаккид “Мен бўлмасам... эмас, адабий жараён бўлмаса, менинг хаётим тўхтаб колади”, деган мунаккиддир. Мен профессор Умарали Норматовни мана шундай мунаккидлар сирасидан, деб биламан. Зотан, домланинг узок йиллик илмий-адабий фаолиятидан ушбу хulosам исботига хизмат киладиган далилларни истаганча келтириш мумкин. Якинда нашр этилган “Ижод сехри”(Т.:Шарқ, 2007. Сўз боши муаллифи И.Гафуров) китоби шундай далиллардан бири.

Умарали Норматов мансуб авлод фаолиятида мен ва менинг тенгдошларимда бўлмаган бир фазилат борки, уни эътироф этмаслик мумкин эмас. Мен тенгилар вактининг зиклигини-ю танлаб ўкишнинг шартлигини, баъзи асарларнинг жўнлигини-ю “танкиддан пастлигини” баҳона килиб, адабий жараённи системали кузатмаймиз. Юрагимизни жизиллатмаган асарлар хакида фикр айтиш у ёқда турсин, хатто уларни ўқимаймиз. Холбуки, мунаккиднинг вазифаси адабий жараён билан хамкадамлик, бу хусусда ўз фикрига эга бўлишдир. Катта авлодга мансуб мунаккидлар, хусусан, У.Норматов маколалари, китобларини, айни жихатдан, адабий жараённинг энциклопедияси дейиш мумкин.

“Ижод сехри” китоби ўз табиати ва максадига кўра муайян илмий тизимга даъво килмайди. Шунга карамасдан, китобнинг “Адабий жараёндаги янги робиталар”, “Насрнинг мунаvvар йўли”, “Ярим аср порлаган маёк”, “Аёл”ни тушуниш”, “Шеъриятда сехр сохиби”, “Мафтункор ишқ муждалари”, “Кўшик канотидаги тугёнлар” каби тадқикотларида адабий жараённи эстетик талкин этишнинг норматовча тизимини кузатамиз. У.Норматов XX аср ўзбек адабиётини кенг адабий ракурсда кузатар экан: “Навоий ва Бобурдан кейин овози “икки дарё ораси”ни ёриб чиккан адиллар айни шу асрда етишгани хеч кимга сир эмас” (23-бет), деган хакли фикрни ўртага ташлайди. Албатта тафаккури, манбавий камрови кенг бўлмаган танкидчи бундай йирик хulosани илгари суришга ўзида журъат топа олмайди.

Профессор У.Норматов танкидчилик фаолияти хакида ёзилган аксар ишларда олимнинг эмоционаллиги, факат ўзига хос бўлган самимияти, шоирона табиатига ургу берилади. Аммо, кўпинча, бундай хакконий ва ёқимли эътирофлар соясида олимнинг яна бир мухим хусусияти – журъатлилиги кўзга ташланмай колади. Тўгри, журъатли одам хеч замонда каҳрамон саналмаган. Журъатли деганда хеч ким каҳрамонни назарда тутмагани сингари, бу тушунча хам тўла-тўқис каҳрамонни ифодаламайди. Аммо менинг тушунчамдаги журъатли киши – каҳрамонликка даъвоси бўлмаган каҳрамондир. Колаверса, эмоционаллар хар доим ўзларининг журъатлари билан интеллектуаллардан ажralиб турадилар.

Китобдан жой олган “Адабий таълимнинг янги даври” маколасини миллатнинг журъатли бир зиёлиси маърифий фаолиятига далил десак янглишмаймиз. Олимнинг кайд этишича, мактаб дарслкларининг янги дастури истибодод даврида амалда бўлган дастурлардан: аввало, адабий таълимни коммунистик мафкура, адабий ходисаларга синфиий-партиявий ёндашиш балоларидан халос этгани; иккинчидан, адабий таълимдаги

руслаштириш сиёсатига чек кўйгани; учинчидан, шўро адабий сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарга килинган, катагонга учраган сўз усталарининг ижодий мероси холис талкинини топгани; тўртинчидан, дарслик сахифаларидан катор янги шоир ва ёзувчилар асарлари жой олгани билан ажралиб туради(36-37-бетлар).

Балки саналган жихатлар бугун биз учун у кадар катта ютук бўлиб кўринмас.

Максималист назари билан ёндашганда, балки мазкур дастурларнинг мълум фоизи инкор этилар. Лекин 90-йиллар шароитида шунинг ўзи хам катта журъят эканини англаш учун факат холислик керак. Энг мухими, У.Норматов Озод Шарофиддинов, Бегали Косимов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов сингари хамфирклари каторида, бир умр ўзи ишониб, амал килиб келган адабиёт мафкурасига доир ақидалардан халос бўлишга руҳий-маънавий имкон топа билди. Психологик нуктаи назардан инсондаги ботиний эврилиш, хар кандай зохирий ўзгаришлардан кўра кийинрок кечади. Бундай эврилишлар учун инсонда холис калб, одилона тафаккур, камтарона табиат бўлиши лозим.

Китобнинг асосий кисмини Абдулла Кодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Каҳхор, Максуд Шайхзода, Аскад Мухтор, Одил Ёкубов, Сайд Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Лазиз Каюмов, Рахматилла Иногомов каби адаб ва мунаккидлар хакидаги эссенамо маколалар ташкил этган. Ушбу маколалар бир бутун холатда XX аср ўзбек адабиётининг гигантлари хаёти ва ижодига доир лавхалардан иборат ўзига хос мозаикага ўхшайди. Унда самимий хотиротни хам, адабий жараёндаги ўта чигал, баъазан сатирик ва юмористик характердаги муносабатлар занжирини хам, илмий-танкидий таҳлилирани хам кузатиш мумкин. Айни пайтда, ушбу маколалар йигиндиси ўтган адабиёт даргалари шахсияти ва ижодига одилона баҳо, ўзиг хос энциклопедия тасаввурини беради. Хар не бўлганда хам, бошка бир киши, харчанд уринмасин бу мавзуда Умарали Норматов ёзгандек ёза олмайди. Негаки, бу маколаларга олимнинг умр йўллари, руҳияти сингиб кетган. Зотан, бармок излари сингари бир инсон хаёт йўли хам бошка одамда сира такрорланмайди.

Кўп узок кетмай, профессор Лазиз Каюмов хотирасига ёзилган “Кафасдаги шер” маколасини ўқиганимизда хам бунга тўла амин бўламиз. Маколада Лазиз Каюмов хаётининг У.Норматов гувоҳ бўлган бор-йўғи тўртта эпизоди олинган, холос. Лекин мана шу тўрт эпизод оркали Лазиз Каюмов шахсиятидаги одамийлик, олимлик, зукколик, давр сиёсати олдидаги ожизлик ва ботиний фожия оханглари холисона дакиқлик билан ёритиб берлганки, ўз замондоши хакида бундай ёзиш учун олимликнинг ўзи кифоя килмайди.

Мунаккиднинг ўзига хослиги, менимча, адабий вокеликни талкин этиш принципига кўра белгиланади. Аммо, юзлаб мунаккидлар силсиласида У.Норматов ижодига хос жихатлардан лоакал бир-иккитасини ажратиб олишнинг хам ўта нозк ва мураккаб томонлари бор. Масалани бу тарзда кўйиш, гарчи монографик тадқикотларга тегишли бўлса-да, У.Норматов ва унинг авлоди хусусида сўз юритаётуб, психобиографик, адабий-тариҳий ёндашувсиз холис талкинга эришиб бўлмайди.

“Ижод сехри” китоби доирасида шуни айтиш мумкинки, У.Норматов аввало, харакатдаги мунаккид, у адабий жараённи кадамба кадам кузатиб, баҳолаб боради. Ўтган ва ўтаётган адабий ходисалар билан янгиларини солишиширади. Олимдаги янгиликка ўчлик, аксарият холларда, унинг якин ўтмишга айланган адабий асарларни инкор килишига, улардан юз ўгришига олиб келмайди. Хусусан, “Соцреазилм” деганда кўпчиликнинг юзига истехзо югурадиган бир пайтда У.Норматов: “Совет даври адабиётини, айникса, ундаги “социал адолат учун кураш” пафоси билан йўғрилган йўналишни “инсоний тил билан гапириш ва фикрлаш”дан бутунлай холи дейиш инсофдан эмас”, деб ёзади.

(22-бет). У ўзи ишонган, ўзи мансуб бўлган жараёнлар устида фикр юритар экан, ўтмиш фаолиятига доир айрим хатоларини тан олишдан кўркмайди. Олим 1990 йили А.Каххорнинг “Сароб” романини нисбатан холис адабий талкин этишга урингани, кейинрок романга нисбатан кучайган нигилистик муносабатлар таъсирида “Хакикат такозоси” номли макола ёзиб, холис карашларидан кайтганини надомат билан эслайди: “Кайтганимни айтдим-у лаб тишлаб колдим. Бунинг учун биринчи бўлиб Кибриё опадан дакки эшитдим. Сал ўтмай, тушимда Абдулла акани кўрибман. Бу одам ўзига хос нимтабассум ва истехзо билан: “Умарали, сен хам , “Сароб”га карши найза кўтарганлар каторига ўтиб колибсан-ку!” дедилар. Бирдан уйгониб кетдим. Шундан кейин кўринг кўнгилдаги киёматни!..” (291-бет). Бу далил У.Норматов ижодий жараёнига доир мураккаб психологик холатлар магзини чакишга туртки беради. Манимча, олимнинг Саидий мансуб бўлган шўро вокелигини абсурд адабиёти ўлчовлари билан баҳолашга уриниши хам мана шундай чигал холатларга бориб таркалади. Колаверса, У.Норматовнинг экзистенциализм, абсурдизм каби фалсафий-бадиий талкинларга нисбатан самимий мухаббати хам, модернизмнинг юксак адабий ходиса эканидан эмас, олим яшаб ўтган шўро адабий сиёсатининг гайриадабийлиги, ожизлигидан далолат беради десак, менимча,adolatdan бўлади.

Демак, XX1 аср эстетик тафаккури фонида кай шаклда намоён бўлмасин, У.Норматовнинг эстетик талкин принципи ўзининг антишўровийлиги, холислиги ва инсонпарварлиги билан мухим ахамиятга эга. “Ижод сехри”даги адабий ва биографик манбалар, хотиралар ва илмий-адабий талкинлар адабий жараён ривожи учун хизмат килади. Домлага норматовча шижаат, чин мунаккидлик саодати доимо ёр бўлсин, дея тилак билдириб коламиз.

Узок Жўракулов